КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олайлик

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 27 (8767). ● 4 февраль, 1986 йил ● СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

## МЕҲМОНЛАРНИ КУТИБ ОЛ, ТЮМЕНЬ!

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг агитация группаси Ғарбий Сибирь қурилишларига жўнаб кетди. Бу группа Тюмень областида ўтадиган республика ёшлари кунларида иштирок этади.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Молодогвардеец» агитпоезди составига кирувчи группа Тобольск ва Нефтеюганск, Сургут ва Нижневартовск шаҳарларида бўлади. Бу шаҳарларда «Партия — давримизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждони» шиори остида ижтимоий-сиёсий суҳбатлар ўтказилади. Партия ва комсомол ветеранлари пахтакор ўлканинг энг яхши ишчи ва деҳқонлари КПСС XXVII съезди очилишига қандай совғалар тайёрлашгани тўғрисида тюменликларга сўзлаб берадилар. Сибирь кенгликларини ўзлаштираётган кашшофлар ҳузурида артистлар, шоирлар, ёзувчилар, бадиий ҳаваскорлик коллективларининг қатнашчилари ҳам ўз маҳоратларини намойиш қиладилар.

Тюменликлар Ўзбекистоннинг тасвирий санъати билан ҳам таниша оладилар. Область кўргазма залида ёш рассомлар асарларининг экспозицияси очилади. Мўйқалам усталарининг асарлари умумий тематика билан бирлашган бўлиб уларнинг ҳаммаси мамлакат коммунистларининг бўлажак анжуманига бағишланган. Ёшлар кунлари программасида ўзбек киноси декадаси ҳам бор.

(ЎзТАГ).

# РЕЗЕРВЛАР ВА ИМКОНИЯТЛАР

СССР 60 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ ЧИРЧИҚ ТРАНСФОРМАТОР ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1986 ЙИЛГИ

## СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

ЧИРЧИҚ трансформатор заводи коллективи КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель ва октябрь Пленумлари қарорларига амал қилиб, партиянинг съездолди ҳужжатларини якдиллик билан маъқуллаб ва КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақани авж олдириб 1986 йилда зиммасига қуйидаги социалистик мажбуриятларни олади.

Товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми бўйича йиллик план 1986 йилнинг 30 декабригача бажарилади. Йилда икки кун тежаб қолинган материаллар, хом ашё ва ёқилғи ҳисобига ишланади. Бунинг учун 39581 сўмлик хом ашё ва материаллар 1230 сўмлик ёқилғи, 1540 сўмлик электр энергияси иқтисод қилинади. Тежаб қолинган материаллар, хом ашё, ёқилғи ҳисобига 300 минг сўмлик маҳсулот, шу жумладан, 5 та трансформатор ва 5 та комплект-трансформатор подстанциялари ишлаб чиқарилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 83 проценти меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланади. Меҳнат унумдорлиги пландагидан ташқари 0,2 процент оширилади. Пландагидан ташқари 60 минг сўмлик фойда олинади.

КПСС XXVII съезди шарафига агросаноат комплекси учун 17 та трансформатор етказиб бериш муддатидан илгари тугалланади.

8 та янги типдаги трансформаторларни ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш барвақт амалга оширилади. Ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш ҳисобига қўл меҳнатининг солиштирма улуши 52 процент камайтирилади. Конструкцияларни модернизациялаш ва такомиллаштириш ҳисобига саккиз типдаги трансформаторлар Давлат сифат белгиси аттестациясидан ўтказилади. Давлат сифат белгиси билан чиқарилаётган маҳсулотларнинг солиштирма ҳажми 19 процентгача етказилади.

Пландагидан ташқари рационализаторлик таклифларини жорий қилишдан 3 минг сўм тежалади. Меҳнатни илмий ташкил этиш ва бошқариш бўйича пландагига қўшимча 3 та тадбир жорий этилади ва бунинг ҳисобига топшириқдагидан ташқари камида 3 минг сўмлик иқтисодий самара олинади. Ишчиларнинг 79 проценти меҳнатни ташкил этишнинг бригада формаси билан қамраб олинади, шу жумладан, уларнинг 70,4 проценти пировард натижа бўйича ҳақ тўлаш формасига жалб этилади. Хўжалик ҳисоби принципи асосида ишловчи бригадалар 50 процентга етказилади.

Заводнинг ёрдамчи хўжалиги орқали ходимларга 400 центнер гўшт реализация қилинади. «Юксак ишлаб чиқариш маданияти корхонаси» номи тасдиқланади.

**МАЖБУРИЯТЛАР ЗАВОД КОЛЛЕКТИВИ ЙИҒИЛИШИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.**

# ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XXI СЪЕЗДИ МАТЕРИАЛЛАРИ КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН ЎРГАНИЛМОҚДА, ҚИЗҒИН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

• ҲАР ЖОЙДА—ҚАТЪИЙ МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ БЎЛСИН

• ПЛАН—ҚОНУН. УНИ СЎЗСИЗ БАЖАРИШГА ЭРИШАЙЛИК

## КПСС XXVII СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ



◆ **МУХТОР ҲАБИБУЛЛАЕВ бинокорлик касбини улуғлаб келаётганлардан бири. У кўп йиллардан бери 11-«Висотстрой» трестининг монтажчилар бригадасига етакчилик қилмоқда. Касбга меҳр, топшириқларга катта масъулият билан ёндашиши туфайли ҳамкасблари ўртасида обрў-эътибор қозонди. У ишда, ахлоқ-одобда кўпчиликка намуна бўлмоқда. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати М. Ҳабибуллаев бош бўлган илғор коллектив беш йиллик топшириқларини 1983 йилдаёқ бажарган эди. Ҳозир бунёдкорлар 1988 йил ҳисобига ишлашмоқда. Коллективнинг бу меҳнат муваффақиятларида бригадирнинг тажрибаси, ташкилотчилиги муҳим роль ўйнамоқда. Илғор қурувчи КПСС XXVII съездига делегат этиб сайланди. Суратда: М. Ҳабибуллаев (ўнгдан учинчи) ҳамкасблари даврасида.**

**А. ЗУФАРОВ фотоси.**

## ҲАҚҚОНИЙ ГАПЛАР

Марказий Комитетнинг Ўзбекистон Коммунистик партияси XXI съездига ҳисобот доклади билан танишар эканмиз, партия ташкилотлари олдида турган жуда катта ва масъулиятли вазифалар қаторида янги жамиятнинг актив қурувчиларини тарбиялаб етиштиришга ҳам алоҳида урғу берилганлигини мамнуният билан қарши олдик. Докладда одамлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишнинг аҳволи ҳали ҳам ҳозирги замон талабларига мувофиқ эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Жумладан, партия ташкилотлари назарий ўқишни ҳаёт, коллективларнинг конкрет ишлари билан боғлашни муттасил мустаҳкамлашни, бу ишдаги расмиятчилик, қироатхонликни тугатишни унутиб қўяётганликлари таъкидланди.

Жуда ҳаққоний гаплар. Совхозимиздаги марксча-ленинча таълим системасида ҳам шундай жиддий камчиликлар мавжуд. Айрим ҳолларда пропагандистлар ўзларининг ғоявий-сиёсий савиясини оширишга етарлича эътибор бермайдилар, машғулотларни юзаки ўтказадилар.

Ўзбекистон Компартияси XXI съезди талаблари асосида партия ўқуви ва иқтисодий таълим шохобчаларидаги машғулотлар таъсирчанлигини ошириш чораларини кўрамиз. Тингловчиларнинг назарий тайёргарлигини амалиёт билан яқиндан боғлашга ҳаракат қиламиз.

**Т. ИСМОИЛОВ,**
**Ғалаба районидаги Волков номли совхоз пропагандисти.**

## ЭРИШИЛГАНИ—ЧЕГАРА ЭМАС

ЎЗБЕКИСТОН Компартиясининг XXI съездида халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва, айниқса, сифатини яхшилаш масаласига алоҳида эътибор берилди. Совет кишиларининг бундай буюмларга нисбатан тобора ортиб бораётган эҳтиёжлари шуни тақозо этмоқда. Бу бевосита коллективимиз зиммасига катта ва масъулиятли вазифалар юклайди. Чунки биз ҳам шундай товарлар ишлаб чиқармоқдамиз. Ҳар йили кўплаб чарм-галантерея ва спорт буюмларини савдо шахобчаларига етказиб бермоқдамиз.

Коллективимиз маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини муттасил кўпайтириб бормоқда. Ўн биринчи беш йилликда бу соҳада бирмунча ютуқларга эришилди. Унинг якунловчи йили топшириғи муддатидан деярли бир ҳафта илгари бажарилди. Лекин биз эришилаётган ютуқлар билан ҳеч вақт кифояланиб қолмаймиз. Шунинг учун асосий эътиборни олдимизда турган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишига қаратамиз. Бу йил маҳсулот турларини 120 тага етказиш назарда тутилмоқда. Айни вақтда ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада кўпаяди. Биз белгиланган меҳнат марраларини эгаллаш, меҳнаткашларнинг дидига мос буюмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш йўлида тинмай изланиш олиб борамиз. Бутун тажрибамиз, маҳоратимиз ва билимимизни шу мақсадга йўналтирамиз.

**К. КОМИЛОВА,**
**Тошкент чарм-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.**

## Тараққиётнинг туб масаласи

Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида жуда катта программ вазифалар қўйилди. Корхонамиз коммунистлари, оғзаки сиёсий агитация кадрлари съезд материалларини ўрганиш ва омма қалбига етказиш бўйича катта ташкилотчилик ишларини бошлаб юбордилар.

Съездда фан-техника тараққиёти асосида социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш тарихий аҳамиятга молик вазифа эканлиги таъкидлаб ўтилди. Ҳақиқатдан ҳам халқ хўжалигининг барча тармоқларини рационализациялаш, технологияни янгилаш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш ҳамма соҳаларни жадал ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда фабрикамизда кўрсаткичлар кескин пасайиб, планлар бажарилмай қолинган эди. Корхона маъмурияти, партия ташкилоти бунинг сабабларини ўрганди. Фабрикада илғор технология, янги техникани жорий этишга мутлақо эътибор берилмай қўйилган экан. Биз бу камчиликни тугатиш бўйича алоҳида тадбир ишлаб чиқдик.

Замонавий технология ўз самарасини берди. 1985 йилда давлатга 63 миллион ўрнига 78 миллион дона тухум, 650 тонна ўрнига 730 тонна парранда гўшти топширилди. Биз бундан кейин ҳам фан ва техника янгиликларини ишлаб чиқаришда кенг қўллаш билан актив шуғулланиб борамиз.

**В. АВАЗОВА,**
**Тошкент паррандачилик фабрикаси паррандабоқари, цех партия ташкилотининг секретари.**

## 15 февраль—Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги

### ТОШКЕНТ ШАҲРИ

«Ташметрострой»да съездолди мусобақасининг пешқадамлари С. Вишеславцев ва В. Гургин бошлиқ комплекс бригадалар 15 февралда смена нормасини бир ярим баравар бажариш мажбуриятини олдилар. Қорақамиш массиви томон иккинчи линияни очаётган бу коллективлар ўз ҳамкасбларини шанбаликда энг юқори меҳнат унумдорлигига эришишга даъват этдилар. Метросозларнинг кўпгина бригадалари илғорлар ташаббусини қўллаб-қувватладилар.

Трест меҳнаткашларидан 2 мингдан ортиқ киши меҳнат байрамида зарбдор вахтада туриб ишлайди. Улар 66 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарадилар. Шу куни ишлаб топилган бутун маблағни беш йиллик фондига ўтказишга қарор қилинди.

(ЎзТАГ).

* * *

КПСС XXVII СЪЕЗДИ шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги ташаббусни пойтахтимизнинг Октябрь райони меҳнаткашлари ҳам қизғин маъқулламоқдалар. Улар шу куни бажариладиган ишлар кўламини белгилаб олдилар. Дастлабки маълумотларга кўра шанбаликда 30 мингдан зиёд киши қатнашади. Уларнинг 12 минг нафари бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлиб, 860 минг сўмлик атрофида маҳсулот тайёрлашади.

Райондаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг 4 мингдан зиёд ишчиси юқори унум билан ишлашга сўз берди. Улар 300 минг сўмлик трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарадилар. Маҳсулотнинг бир қисми тежалган хом ашё ҳисобига тайёрланади. М. Қодирова, Р. Сайдалиева, Ш. Муслимова, З. Пўлатова, Ф. Жўраева сингари юзлаб чеварлар меҳнат байрами куни 1,5—2 норма иш бажаришга аҳд қилдилар. Шу куни тушган маблағ беш йиллик фондига ўтказилади.

С. СУЛТОНОВ.

* * *

«СРЕДАЗЭЛЕКТРОАППАРАТ» ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-цехининг В. Катаева бошлиқ штамповкачилар бригадаси коллективи вахтада туриб ишлаб, зарбдор ўн кунликларда доим илғорлар сафида бормоқда. Улар мамлакатимиз коммунистларининг олий анжумани шарафига ўтадиган шанбаликка ҳам пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Шу куни бир ярим мингта аппаратни комплектлаштиришга ваъда бердилар.

Бригада коллективи янги йилдан хўжалик ҳисобига ўтиб ишламоқда. Бу ўз самарасини бераяпти. Топширилаётган маҳсулотлар биринчи тақдим этилишидаёқ қабул қилиб олинмоқда. Смена планлари доим 110—115 процентдан бажарилаяпти.

К. МЕЗЕНЦЕВА.

* * *

«ТАШТЕКСТИЛЬМАШ» заводи коллективи КПСС XXVII съезди шарафига бағишланган коммунистик шанбаликда бажариладиган ишлар режасини тузиб чиқди. Корхонада шанбалик ўтказиш бўйича штаб тузилди. Штаб аъзолари 15 февраль кунини ҳақиқий меҳнат байрамига айлантириш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

Шанбаликда жами 3700 нафар ишчи-хизматчи қатнашади. 2600 нафар киши бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлади. Қолганлар завод территориясини ободонлаштириш ишлари билан машғул бўладилар. Шу куни 175 минг сўмлик маҳсулот, қўшимча 10 та дастгоҳ тайёрланади. Бундан ташқари, машина-механизмлар учун 20 минг сўмлик атрофида турли-туман эҳтиёт қисмлар чиқарилади. Шанбаликдан тушган барча маблағ беш йиллик фондига ўтказилади.

А. ҒУЛОМОВ.

### КОММУНИСТИК РАЙОНИ

КОММУНИСТИК районидаги 98-колхозлараро механизациялашган кўчма колонна коллективи хўжаликларда катта ҳажмда бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқда. Бинокорлар ҳозирги пайтда Свердлов номли ва К. Маркс номли колхозларда мактаблар, «Правда», «Политотдел» колхозларида уй-жойлар, «Ленинский путь» колхозида паррандачилик фермаси барпо этишяпти.

15 февраль — коммунистик шанбалик куни бу объектларда ҳар қачонгидан ҳам жўшқин меҳнат ҳукм суради. Колонна бинокорлари москваликларнинг КПСС XXVII съезди шарафига шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббусига якдиллик билан қўшилдилар. Шу куни 12,1 минг сўмлик қурилиш ишларини бажариш режаланмоқда. Бу оддий кунлардагидан анча кўп.

Хурсанд Адашев бошлиқ бетончилар, Тоҳир Орипов етакчилигидаги бўёқчилар, Мирсодиқ Эгамбердиев раҳбарлик қилаётган сувоқчилар бригадалари меҳнат байрами куни асосан тежалган материаллар ҳисобига ишлаш ташаббуси билан чиқдилар. Колонна барча коллективларида уларнинг ташаббуси қўллаб-қувватланяпти. Қурувчилар ҳар бир ишда материаллар сарфини камайтириб, шанбаликнинг тежамкорлик фондини кўпайтираяптилар.

Колонна қурувчилари коммунистик шанбаликда ишлаб топилган маблағни ўн иккинчи беш йиллик фондига ўтказадилар.

Э. МАДИЁРОВ.

### ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ

**Шанбалик куни Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхоз-заводида чорвадорлар уйин пойдеворини қўйилади. Боғбонлар мева дарахтларини бутайдилар, бригадаларнинг бири хўжалик ичидаги ариқ-зовурларни тозалаш билан шуғулланади. Совхоз меҳнаткашлари 15 февраль куни ишлаб топиладиган икки минг сўмдан кўпроқ маблағни беш йиллик фондига ўтказишга қарор қилдилар.**

(ЎзТАГ).

### ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ

«ГОСКОМСЕЛЬХОЗТЕХНИКА» Ўрта Чирчиқ район бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари Бутуниттифоқ коммунистик шанбаликни зарбдор меҳнат билан нишонлашга қарор қилдилар. Бирлашма шанбалик штабидан хабар қилишларича, 15 февраль куни цехларда 300 дан ортиқ ишчи зарбдорчасига меҳнат қилади. Шу жумладан, механизация ремонти устахонасининг 70 ишчиси ўша куни учта тракторни ремонтдан чиқаради. Бирлашма комсомол-ёшлари шанбаликда актив қатнашиб, тўрт тонна металлолом тўплашга аҳд қилдилар.

Кенг кўламда ободонлаштириш ишлари ҳам амалга оширилади. Шанбалик кунида жами 4,2 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Шундан 2,2 минг сўми беш йиллик фондига ўтказилади.

С. АБДУЛЛАЕВ.

### КАЛИНИН РАЙОНИ

**Коммунистик шанбалик куни Тошкент областининг Калинин районидаги теплица комбинатида ҳосилни йиғиштириб олиш бошланади. Шу куни истеъмолчиларга уч тоннадан ортиқ помидор ва бодринг жўнатилади. Деҳқонлар дарҳол сабзавот экинларини экишга киришадилар. Комбинат ҳайдовчилари шу куни маҳсулотни магазинларга тежаб қолинган ёнилғи ҳисобига етказиб берадилар. Асосий ишда банд бўлмаган комбинат ходимлари теварак-атрофни ободонлаштириш ва металл парчалари йиғиш билан шуғулланади.**

(ЎзТАГ).

## Дастлабки қуйилма олинди

ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАРДА

«Дастлабки қуйилма олинди!» — деган хабар кўп минг кишилик Тошкент трактор-созлари даврасида тез тарқалди. «Тошкент трактор заводи» бирлашмаси қошида йирик қуюв ишлаб чиқариши ишга солинмоқда.

Қуввати ортган тракторлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш учун зарур бўлган бу объект қурилиши осон кўчмади. Ҳамма цех ва бўлимларнинг вакиллари шанбаликка чиқиб, неча-неча юз соатлаб ишлаб беришди. Шу туфайли республика қурилиш министрлигига қарашли тўртинчи бош пудратчи трест 1985 йилда қурилиш суръатини оширди ва 12 миллион сўмликдан ортиқ иш бажарди. Лекин ҳар қалай қуюв комплекси кечикиб ишга туширилмоқда. Лойиҳадаги ишкалликлар, бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи бригадаларнинг бир маромда ишламаганлигининг оқибати шу бўлди. Шу сабабли ой бошида ҳотиржамлик, охирида «чоп-чоп»лар бўлиб турди. Масалан, Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига қарашли 93-ихтисослаштирилган трест газ тозалаш иншоотини топширишни чўзиб юбориб, ўтган йилнинг тўртинчи кварталидагина бу қурилишга юзлаб одамларни юборди. «Узэлектромонтаж», «Узпромвентиляция», «Узсантехгазмонтаж» трестлари нотекис ишладилар. Ҳамма куч ва техника ремонт-қуюв цехи технология линияларига ва қуюв печини тайёрлашга сафарбар этилган эди.

Эндиликда, ниҳоят ана шу объектлар ишлай бошлади. Лекин ёрдамчи цехлар корпусидаги ишлар ҳамон судралмоқда. Бу корпус қуюв комплексига ҳамма зарур ускуналар ва асбобларни етказиб бериши лозим.

Йилига 10 минг тонна қуйилма берадиган биринчи комплекс ҳозирча дастлабки маҳсулотни берди. Ҳамма ишлар ниҳоясига етгач, бу ерда чўян, пўлат ва рангли металлардан 100 минг тонна қуйилма чиқариш мумкин бўлади. Шундай қилиб, қудратлироқ тракторлар ишлаб чиқариш учун ишончли замин яратилади. Кўпгина муҳим узеллар эса ҳозир қурилаётган Тошкент мотор заводига жўнатиб туриладиган бўлади. Мотор заводида эса 100 от кучига эга бўлган дизеллар тайёрлаш йўлга қўйилади.

Қуюв комплексидаги ишлар давом этмоқда.

**С. КИМ,**
**ЎзТАГ мухбири.**



◆ **Суратларда: биринчи эритмани олишда қатнашган пўлат эритувчи ёрдамчиси, комсомол Геннадий Жданов (юқорида), қуюв цехида (пастда).**

**Р. Ғофуров фотоси.**
**(ЎзТАГ).**



# ТАДҚИҚОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ КЎПАЙТИРАМИЗ

*Ўзбекистон Компартияси XXI съезди делегати билан суҳбат*

**Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги И. Ҳ. ҲАМРОБОЕВ бошчилик қилаётган геология ва геофизика институтида ўтган беш йиллик салмоқли из қолдирди. Бу илмий муассаса тадқиқотчиларининг бундан буёнги режалари янада каттароқ. Шу муносабат билан махсус мухбиримиз С. ҲАСАНОВ Иброҳим Ҳамробоевич билан учрашиб суҳбатлашди.**

— Институтимиз мутахассислари ўтган беш йилликда ер ҳақидаги фаннинг ривожланиш назариясига маълум ҳисса қўшдилар, — деди институт директори, — ер қобиғи юқори мантиясининг тузилиши, унинг ичида рўй бераётган тектоник ҳаракатлар, иссиқлик режими, ер қимирлаш жараёни, зилзила ўчоқларини аниқлаш билан боғлиқ маълумотларга эга бўлинди.

Ўрта Осиё кўламида ер билан тиллашишни билиш бизга кўп янгиликлар берди. Илгари бутун планета бўйича ер қобиғининг ўртача қалинлиги 35 километр, айрим қитъаларда эса 60—65 километр деб ҳисоблаб келинган бўлса, ўзбекистонлик олимларнинг изланишлари ана шу фикрни янада бойитди.

Фан Ўрта Осиёнинг айрим территорияларида бу кўрсаткич 82 километр қалинликда эканлигини исботлади. Бу билан Помир, Ҳимолай тадқиқот лойиҳасининг мазмуни ва мавқеи янада ортибгина қолмай, ана шу рақам жаҳонда рекорд кўрсаткич сифатида қайд этилди. Ҳимолай тоғларини тадқиқ этган ҳинд олимларининг ҳам биз билан айни бир пайтда шундай фикрга келишлари илмий хулосаларимиз қимматини янада оширди.

Маълумки, ер қобиғи қанчалик қалин бўлса, унда конлар кўп учрайди, қазилма бойликлар юксак даражада бир-бири билан «иноқлашиб кетган», зич ва хилма-хил бўлади, айни пайтда конлар самарадорлиги ортади, хом ашё қазиб олишни комплекс тарзда ташкил этишга кенг имконият яратилади.

Институтимиз олимларининг зилзила ҳақида тўплаган бой маълумотлари ҳам ўтган беш йиллик «таржимаи ҳолини» бойитди. Эндиликда улар зилзила ернинг қайси қатламида содир бўлганлиги, унинг манбаи қаердан бошланганлиги, ер силкинишлари пайтидаги қазилма бойликларнинг ҳаракатини дарҳол айтиб бера оладилар. Бу борадаги илмий хулосалар сўнгги ер қимирлашлар жараёнида тадқиқотчилар хулосасининг тўғрилигини кўрсатди.

Геолог-олимлар қўллаётган «Ернинг қайноқ нафаси» илмий термини ҳам ўн биринчи беш йилликда фанда ўзини мустаҳкамлаб олди. Бу «нафас»ни ҳис этиб, тадқиқотчилар зилзилалар пайтидаги тектоник ҳаракатлар туфайли чиқадиган ҳар хил газлар таркибини мукаммал ўргандилар. Масалан, шу тариқа гелий ишлаб чиқаришга хизмат қила бошлади.

Маълумки, аниқ фанлардаги ҳар қандай назарий билимлар моддий бойлик яратилишига хизмат қилиши билан ўз моҳиятини оширади. Шу маънода олимларимизнинг илгари ташлаб кетилган, чала фойдаланилган конларни янги мақсадлар асосида тадқиқ этиш ва уларга қайта ҳаёт бағишлашдаги ютуқлари диққатга сазовордир. Олмалиқ разрези, Қўйтош, Мурунтов, Лангар конлари бунга яққол мисол бўла олади. Бир вақтлари ишлатилган, энди эса «уйқуда ётган» конлар яна қайта «уйғотилди». Улардан олинаётган бойликлар рангли металлар саноатининг хом ашё базасини мустаҳкамламоқда. Ана шу конларнинг ишга тушиши натижасида, институтимизда илгари орзу бўлиб келган чиқитсиз технологиядан унумли фойдаланишга ҳам дадил киришилди, дейиш мумкин.

Гап амалий тадбирлар ҳақида борар экан, норуда моддалар соҳасида ҳам икки оғиз сўз айтиш ўринлидир. Йилдан-йилга экинзорларга бўлган эҳтиёжнинг ортиши суғориладиган ерларни авайлаб асрашни талаб қилмоқда. Бу эса ўз навбатида қурилиш саноати учун зарур бўлган бинокорлик буюмлари тайёрлашда фан олдига янги муаммоларни қўймоқда. Биз экин учун фойдаланилмайдиган ерлар структурасини ўрганиб, ана шу масалани анча ижобий ҳал қилдик. Натижада ҳозир областларда керамика буюмлари тайёрлайдиган корхоналар, ғишт заводлари ишга тушди. Илмий изланишлар жараёнида аниқланган гилларнинг ҳар хил туридан эса нефть саноатида фойдаланилаётир.

Бажарилган ишларни таҳлил қилар эканмиз, ана шу ютуқларга эришишда кадрлар асосий ҳал қилувчи куч бўлганлигини эътироф этмоқчиман. Зероки республикамиз Компартиясининг XXI съездида ҳам халқ хўжалигининг ҳар жабҳасида малакали кадрлар муҳим роль ўйнаши алоҳида таъкидланди. Съезд делегати сифатида бу фикрга тўла қўшиламан. Институтда кўп йиллардан бери соғлом муҳит ва ижодий иш жараёнини таъминлашда бошланғич партия ташкилотининг роли яққол сезилиб турди. Бизда ҳар бир коммунист, ҳар бир партиясиз ходим юксак талабчанлик, инсоний ғамхўрлик билан қамраб олинган. Ўтган беш йилликда институтда 5 та докторлик, 15 та кандидатлик диссертацияси ёқланди. Олимлар яратган кўпгина янгиликлар турли ташкилотларнинг мукофотларига сазовор бўлди.

Лекин биз КПСС Марказий Комитетининг, республикамиз Компартияси Марказий Комитетининг бугунги талабларидан келиб чиқиб, ўз ишимизга танқидий ёндошяпмиз. Айрим илмий изланишлар суст бораётган лабораториялар ихчамлаштирилди, бир неча йиллардан буён тадқиқот ишларида ўзини оқламаётган кадрлардан ҳоли бўлдик.

Биз ўз фаолиятимизни ўрганиш жараёнида яна бир жиддий нуқсонга йўл қўйганлигимиз маълум бўлиб қолди. У ҳам бўлса кейинги ўн йил ичида ёшларни институтга жалб этишга етарли эътибор бермаган эканмиз. Аниқроқ айтганда, ўзимизга муносиб ўринбосарлар тайёрлаш эътиборимиздан четда қолаётган экан. Икки йилдирки, ана шу хатони тузатяпмиз. Эндиликда ёшлардан анчагинаси коллективимизга келиб қўшилди. Уларга чинакам ғамхўр олимлар илмий раҳбарлар қилиб тайинланди.

Режалар ҳақида шуни айтмоқчиманки, институтда бошланғич партия ташкилоти ролини янада кучайтирамиз. Белгилаб олган тадқиқотларимизни ўз муддатида туғаллаш, янги-янги конлар очиш, етук мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор берамиз. Шу жумладан, партиямиз Марказий Комитети ва республикамиз Компартияси Марказий Комитетининг фан-техникани замон талаблари даражасида ривожлантириш борасида белгилаб берган кўрсатмаларини изчиллик билан амалга оширамиз.

# Фан-техника ютуқлари ишлаб чиқаришга

ЧИРЧИҚ шаҳар экономикаси сертармоқлиги, илмий-техник потенциалнинг кўпроқ тўпланганлиги билан ажралиб туради. Шу сабабли бу ерда ишлаб чиқаришни интенсивлашни тўғри ташкил эта билиш алоҳида аҳамиятга эга. Ижтимоий меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулотнинг сифатли ва пишиқ-пухта бўлишига фақат шу йўл билан эришиш мумкин. Шу мақсадда шаҳардаги барча корхона ва ташкилотларда янги техника ва технологияни жорий этишга, қўл меҳнатини механизациялашга, меҳнат унумдорлигини ошириш ва иш шароитини яхшилашга, меҳнат, ишлаб чиқариш ва технология интизомини мустаҳкамлашга қаратилган техникавий ва ташкилий тадбирлар ишлаб чиқилган. Умуман шаҳар бўйича 1986—1987 йилларда жами 336 пунктдан иборат тадбирлар комплекси амалга оширилиши мўлжалланмоқда. Шундан 171 тадбир шу йилнинг ўзида бажарилиши керак.

Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Совети бу тадбирларнинг тўла амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Совет, унинг ижроия комитети ва доимий комиссияларнинг корхона ва ташкилотларда фан-техника тараққиётини ишлаб чиқаришга жорий этишни жадаллаштиришдаги активлигини янада ошириш юзасидан конкрет тадбирлар белгилади. Меҳнат коллективларининг фан-техника ютуқларини жорий этиш ва технологик жараёнларни такомиллаштириш асосида маҳсулот сифатини яхшилаш вазифалари, шаҳар халқ контроли комитетининг илмий-техник ечимларнинг ишлаб чиқаришга қандай жорий этилаётганлигини назорат қилиш юзасидан ҳисоботи, шаҳар корхона ва ташкилотларида чиқитсиз технологик жараёнларни жорий этишнинг аҳволи ва атроф-муҳитнинг ифлосланишини камайтиришга оид қўшимча чоралар тўғрисидаги масалалар шаҳар Совети сессияларида, ижроком мажлисларида мунтазам кўриб борилади. Бу тадбирлар бевосита у ёки бу корхонада қандай ҳал этилаётганлиги масаласи эса доимий комиссияларнинг йиғилишларида изчил муҳокама қилиб турилади.

**Область ижроия комитетида**

Бевосита ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган депутатларнинг фан-техника ютуқларини жорий этишни жадаллаштиришдаги шахсий ҳиссаси салмоғини ошириш мақсадида ҳал қилувчи участкаларда депутатлик постлари ташкил этилади. Моддий бойлик яратаётган ҳар бир депутат учун шахсий ҳисоб карточкаси очилиб, уларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш, иш шароити ва маҳсулот сифатини яхшилаш, экономика ва тежамкорликка оид таклифлари қайд этиб борилади.

Бундан ташқари раҳбар ва мутахассис кадрлар, ишлаб чиқариш илғорларининг вақти-вақти билан семинар-кенгашлари ўтказилиб, илғор тажрибалар оммалаштириб борилади. Рационализатор ва ихтирочиларнинг конкурслари уюштириб турилади.

Халқ депутатлари область Совети ижроия комитети Чирчиқ шаҳар Советининг ижроком ва доимий комиссияларнинг фан-техника ютуқларини шаҳар корхона ва ташкилотларида жорий этишни жадаллаштириш соҳасидаги фаолиятини активлаштиришга қаратилган тадбирларини маъқуллади.

Барча шаҳар ва район Советлари, доимий комиссиялар, ижроия комитетлар, депутатлар, шунингдек область бўлимлари ва бошқармаларининг фан-техника ютуқларини жорий этишни жадаллаштиришга таъсирини кучайтириш мақсадида ҳамма ерда шундай конкрет тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги уқтирилди. Жойларда бу тадбирларнинг қандай амалга оширилаётганлиги ўрганилиб, область сессияларида муҳокама қилиб борилади. Область Советининг доимий комиссияларига область бўлимлари ва бошқармалари, шаҳар ва район ижроия комитетлари, саноат корхоналари ва ташкилотларининг фан-техника ютуқларини жорий этиш тўғрисидаги докладларини тинглаб, ўрганиб бориш тавсия этилди.

СЎЗ—ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ СЕКРЕТАРИГА

# КЎРИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Корхонамизда партия ташкилоти жанговарлик кўригининг навбатдаги босқичи бошланди. Умуман бизда кўрик ўтган йилнинг декабрида бошланган эди. Кўрик олдидан партия бюросининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда бошланғич партия ташкилоти жанговарлик кўригини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида 7 кишидан иборат махсус комиссия тузилди. Бюро аъзолари, актив коммунистлар комиссияга аъзо бўлдилар.

Дастлаб комиссия кўрикни ўтказиш тартиби билан танишиб чиқди, одамларни якка тартибда бўладиган суҳбатларга тайёрлади. Икки ой давомида 130 га яқин ишчи суҳбатдан ўтказилди. Ўзаро суҳбатлар чоғида коммунистлар ўз хизмат вазифалари ва партия Устави талабларини қандай бажараётганликлари, жамоат ишларидаги иштироклари ҳақида гапириб бердилар. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ишчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш юзасидан кўпгина таклифларни ўртага ташладилар.

Коммунистлар билан якка тартибда ўтказилган суҳбатлар маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилашга самарали таъсир ўтказди. Ўтган йили алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш талаб даражасида эмас эди. Суҳбатларда коммунистлар ва партиясиз активлар эътибори шу муҳим вазифага қаратилди.

Ишчи коммунистлардан У. Илҳомов, Р. Тўйчиев меҳнатни тўғри ташкил этишда, агрегатларни тўла қувват билан ишлатишда ҳафсаласизлик қилаётганликларини тан олдилар. Комиссия аъзолари уларга йўл қўйилган камчиликларни кўрсатишди, иш суръатини оширишга кўмаклашувчи тавсиялар беришди.

Ишчилар танқиддан тўғри хулоса чиқариб меҳнатни ташкил этишда илғор тажрибаларни қўллана бошладилар. Шундан кейин алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқариш ҳафта сайин кўпайиб борди. Агарда ўтган йилнинг октябрь—ноябрь ойларида лимонад тайёрлаш планлари 60 процент атрофида бажарилган бўлса ҳозирги кунда бу соҳадаги топшириқлар ортиғи билан адо этилаяпти. Минерал сув ишлаб чиқаришда ҳам кескин ўсиш сезилди.

Ҳозирги кунда партия ташкилоти жанговарлик кўригининг 3-босқичи бошланмоқда. Ўтган босқичлар якунини бошланғич партия ташкилоти йиғилишида кўриб чиқишга қарор қилдик. Ҳозир бажарилган ишлар атрофлича таҳлил қилинмоқда ва учинчи босқични Ўзбекистон Компартияси XXI съезди талаблари асосида ишчанлик билан ўтказиш чоралари кўрилмоқда.

**Ф. КАРИМОВА,**
**Қибрай пиво-алкоголсиз ичимликлар комбинати партия ташкилотининг секретари.**



**Рустам Убайдуллаев Ғазалкент тошни қайта ишлаш комбинатида меҳнат қилади. У касбдошлари ўртасидаги социалистик мусобақада ғолиблар сафида бормоқда. Силлиқловчи Убайдуллаев Коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номни фидокорона ишлари билан оқлаб келмоқда. Илғор ишчи кунлик нормаларини доим ортиғи билан бажаришга одатланган. Ушбу суратда: донгдор тоштарош Р. Убайдуллаевни кўриб турибсиз.**

**И. ПОРТНОВ фотоси.**



**◆ В. П. ЧКАЛОВ номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида КПСС XXVII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақа кундан-кун авжига чиқмоқда. Касбдошлари ўртасидаги меҳнат беллашувида слесарь Шавкат Ғофуров карвонбошилик қилмоқда. У кунлик нормаларини доим 20—25 процентдан ошириб бажаришга эришаяпти. Суратда: Ш. Ғофуров.**

**А. КАШАПОВ фотоси.**

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ИШ ТАЖРИБАСИДАН

# ОММАЛАШТИРСА АРЗИЙДИ

СУСАМ қишлоқ Советида тузилган қишлоқ хўжалик ишлари бўйича доимий комиссиясининг йиғилишлари пухта тайёргарлик билан ўтказилади. Квартал давомида комиссия аъзолари бўлган депутатлар С. Раҳимов номли совхоз раҳбарларининг хўжаликни бошқаришдаги иш услубларини, дала ва фермалардаги аҳволни чуқур ўрганадилар, сўнгра комиссия йиғилишида конкрет факт ва рақамларга асосланган бой материал тайёрланади.

Жумладан, доимий комиссия ўтган йилнинг февраль ойидаги мажлисида қишлов даврида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишнинг аҳволини атрофлича муҳокама қилганди. Бош зоотехник Тўлқин Тўраевнинг бу соҳадаги ахбороти тингланиб, бир қатор камчиликлар рўй-рост очиб ташланди. Уларни тузатиш тадбирлари белгиланди.

Доимий комиссия август ойида худди шу масалага яна қайтди. Бу сафар чорва қишловига тайёргарлик кўриш қандай бораётганлиги ҳам таҳлил қилиниб, бу муҳим масала билан изчил шуғулланиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Аммо комиссия аъзолари бу билан хотиржам бўлиб қолмадилар. Қишловга етарли ва сифатли озуқа жамғариш, қишки рационни тўғри белгилаш, ферма ходимларининг унумли ишлаб, яхши дам олишларини таъминлаш юзасидан қўшимча чоралар кўриш ва шу билан қишлов даврида сут соғиб олишни камайтирмасликка эришиш масаласини тайёрлаб, уни қишлоқ Совети ижроия комитетининг муҳокамасига киритди.

— Қишлоқ Советида олтита соҳа бўйича доимий комиссия ишлаб турибди, — дейди ижроком раиси Сайфиддин Йўлдошев. — Бу комиссияларга бирлашган 45 депутат учун ўқув машғулотлари ташкил этганмиз. Ўқув жараёнида депутатнинг ҳуқуқ ва бурчи, доимий комиссия составида олиб борадиган иши, жамоатчилик ўртасида уюштириладиган оммавий-тарбиявий тажрибалар форма ва методлари тўғрисида фикр алмашинади, илғор тажрибалар ўрганилади. Жумладан, биз қишлоқ хўжалик бўйича доимий комиссиянинг иш тажрибасини кенг ёйишга ҳаракат қилмоқдамиз. Ҳозир халқ маорифи ва маданият, қонунчилик ва жамоат тартибини сақлаш доимий комиссиялари шу илғор иш усулларини ўрганмоқдалар.

**Қ. ОДИНАЕВ,**
**Оҳангарон райони.**

# МАЛАКА ОШИРМОҚДАЛАР

Ҳозир Тошкент гўшт саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси профилакторийси Калинин райони хўжаликларининг ўрта звено кадрлари ихтиёрига бериб қўйилган. Улар бу ерда дам олиш, ўз саломатликларини мустаҳкамлаш билан бирга билимларини ҳам оширмоқдалар.

120 далачилик бригадаси бошлиғи, шунингдек анчагина бўлим бошқарувчилари уч группага бўлинган ҳолда ўқимоқдалар. Республика сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик илмий-текшириш институти, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси экономика институти, Ўзбекистон чорвачилик илмий-текшириш институти олимлари улар ҳузурида қизиқарли суҳбат ва лекциялар билан чиқмоқдалар. Айни пайтда тингловчилар ўз тажрибалари билан ҳам ўртоқлашмоқдалар.

Бундан олдинроқ 27 боғдорчилик бригадаси бошлиғи Шредер номли илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида очилган махсус курсда ўз билим ва малакасини ошириб қайтган эди. Янги мавсум олдидан ўтказилаётган бундай тадбирлар ўрта бўғин кадрлари тажрибасини оширишга, илғор фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга тезроқ жорий этишга кўмаклашиши табиийдир.

# МАШҒУЛОТЛАР ВАҚТИДА ЎТСИН

Марксизм-ленинизм асослари мактабида машғулот ўтказиладиган сешанба куни «Новгород» совхозида ҳеч кимни учратиб бўлмади. Партия ташкилотидагилар машғулот бошқа кунга ўтказилган эди, деган баҳонани айтдилар. Текширишлар пайтида «Паркентводстрой» трестига қарашли 2-, 23-қурилиш трестига қарашли 2-механизациялашган кўчма колонналар, 40-ўрта ҳунар-техника билим юрти ва баъзи бошқа корхона, хўжалик, муассаса партия ташкилотларида ҳам сиёсий маориф шахобчаларида машғулотлар ўтказилмаганлиги аниқланди.

Марксча-ленинча таълимни ташкил этишдаги бу камчиликлар район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимида муҳокама қилинди. Ўшанда сиёсий ва иқтисодий таълимнинг аҳволини район партия комитети бюросида кўриб чиқиш таклифи киритилди. Натижада Бўстонлиқ район партия комитети бюросининг 1985 йил 18 декабрда бўлиб ўтган мажлисида «Чорвоқ» совхози партия ташкилотининг сиёсий ва иқтисодий таълимга раҳбарлиги масаласи муҳокама қилинди.

Унда хўжалик партия ташкилоти коммунистлар ва барча меҳнаткашларнинг сиёсий ҳамда иқтисодий билимларини ошириш соҳасида муайян ишлар қилганлиги билан бир қаторда бу соҳада ҳали жиддий камчиликлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди. Айниқса, машғулотлар ўтказиш учун зарур шароит йўқлиги танқид қилинди. Бу баъзи ҳолларда машғулотларни ўз вақтида ўтказмасликка, уларда тингловчиларнинг тўла иштирок этмасликларига олиб келмоқда. Мактаб ва семинарлар пропагандистлари ўқитишнинг техник воситалари билан мутлақо таъминланмаган. Бу машғулотларни қизиқарли ўтказиш имконини бермаяпти. Бюро мажлисида совхоздаги иқтисодий кенгаш номигагина мавжудлиги ҳам кўрсатилди. Марксча-ленинча таълимнинг аҳволи партия йиғилишларида ва партбюро мажлисларида муҳокама этилмайди.

Район партия комитети мажлисида қабул қилинган қарор биргина «Чорвоқ» совхози учунгина эмас, бошқа партия ташкилотлари учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Улар сиёсий ва иқтисодий таълимни янада такомиллаштириш юзасидан қўшимча тадбирлар белгилаб, уларни изчил амалга ошира бордилар.

Кейинги пайтларда район партия комитети меҳнаткашларни ғоявий чиниқтириш, уларнинг иқтисодий билимларини ошириш масалаларига эътиборни кучайтирмоқда. Ҳозирги пайтда корхона, хўжалик, ташкилот ва муассасаларда 113 та сиёсий мактаб ва семинар ишлаб турибди. Уларда 2690 коммунист ва партия активи ўз сиёсий билимларини оширмоқда.

Машғулотлар самарадорлигини ошириш мақсадида пропагандистларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишлари яхшиланаяпти. Ҳозирги кунда мактаб ва семинарлардаги машғулотларни 570 пропагандист олиб бораяпти. Уларнинг аксарият кўпчилиги олий маълумотли коммунистлардир. Меҳнаткашларни ғоявий чиниқтиришда пропагандистлардан «Бўстонлиқ» совхозидан Б. Раҳметов, «Чорвоқ» совхозидан А. Атамов, «Ленинград» колхозидан Ш. Аглямов, тошга ишлов бериш комбинатидан Л. А. Пинегина катта тажриба тўплаганлар.

**ПАРТИЯ СИЁСИЙ МАОРИФИ**

Район партия комитети бу ва бошқа моҳир пропагандистларнинг иш тажрибаларини умумлаштириб, барча ғоявий тарбиячилар ўртасида кенг оммалаштирмоқда. Бу ишга район партия комитети сиёсий маориф кабинети ҳузуридаги методика кенгаши раҳбарлик қилмоқда. Кенгашнинг ҳар ҳафтада ўтказиб турилаётган мажлисларида сиёсий ва иқтисодий ўқув машғулотлари якунлари чиқарилади, янги мавзуларни ўтиш юзасидан тавсиялар берилади. Методика кенгаши пропагандистлар учун зарур материаллар ҳам тайёрлаб бераяпти. Жумладан, навбатдаги машғулотлар учун район халқ хўжалиги барча тармоқларида ўн биринчи беш йилликда эришилган натижалар тўғрисида статистика маълумоти тайёрланди. Ҳозир район меҳнат коллективларининг ўн иккинчи беш йилликдаги режалари ҳақидаги материаллар тайёрланаяпти.

Ҳар ойда район партия комитети пропагандистлар кунини ўтказиб турибди. Уларда партия, совет, хўжалик раҳбарлари докладлар қиладилар, пропагандистларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарадилар. Айни пайтда машғулотларда навбатдаги мавзуларни ўрганишда нималарга эътибор бериш зарурлиги кўрсатилади. Масалан, мактаб ва семинарларда съездолди ҳужжатлари — КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, таклиф этилаётган ўзгартишлар билан партия Устави, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаларини ўрганиш юзасидан методик тавсиялар берилди. Январь ойида бўлиб ўтган пропагандистлар семинарида эса машғулотларда совет турмуш тарзини пропаганда қилиш масалалари муҳокама қилинди.

— Пропагандистларимиз мазкур ўқув йилида марксча-ленинча таълимни такомиллаштириш соҳасида катта вазифалар турганлигини тўла ҳис этмоқдалар, — дейди район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари К. Насриддинова. — Ҳозир мактаб ва семинарларда съездолди ҳужжатлари бўйича машғулотлар ўтказиб бўлинди. Уларда биз тингловчилар диққат-эътиборини партия олдинга сурган долзарб вазифа — мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш масаласига қаратдик. Айни пайтда ўқувнинг ҳаёт билан алоқаси мустаҳкамланиб бораётганлигини таъкидлаш лозим.

Пропагандистлар тингловчиларнинг активликларини ошира бориб, уларнинг куч-ғайратларини 1986 йил ва умуман ўн иккинчи беш йиллик план-топшириқларини муваффақиятли бажаришга қаратмоқдалар.

**А. НОСИРОВА.**

# ОЛМАЛИҚ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА

● ШАҲАРДАГИ 354-механизациялашган кўчма колонна коллективи янги йилни муносиб меҳнат совғаси билан кутиб олдилар. Бинокорлар Тошкент политехника институтининг Олмалиқдаги кечки кон-металлургия факультетининг қўшимча ўқув корпусини фойдаланишга топширишди. Бу ерда таълим-тарбия ишларини олиб бориш учун барча шарт-шароитлар вужудга келтирилган.

Колонна бунёдкорлари яна бир объект — автоматлашган телефон станцияси биноси қурилишини тугатиш арафасида турибдилар. Бундан ташқари улар химиклар шаҳарчасида қатор турар-жой биноларини бунёд этишга ҳисса қўшмоқдалар. Колоннанинг Ҳурмат Белгиси ордени кавалери, шу кунларда келгуси беш йиллик ҳисобига ишлаётган донгдор бинокор Л. Сеттаров раҳбарлигидаги бригада 92 квартирали турар-жой биносининг корпусига сўнгги ғиштларни ётқизмоқдалар.

● ГИЛАМ фабрикаси коллективи КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш юзасидан бораётган умумхалқ ватанпарварлик ҳаракатида фаол қатнашмоқда. Шу туфайли маҳсулот реализация қилиш йиллик плани муваффақиятли бажарилмоқда. Шу йилнинг ўтган ўн бир ойида пландагидан ташқари 79 минг сўмлик турли гилам-поёндозлар савдо шахобчаларига етказиб берилди.

Фабрика цехлари ўртасидаги социалистик мусобақада кенг истеъмол моллари цехи коллективи пешқадамлик қилмоқда. Цехнинг Д. Дўстматова мастерлик қилаётган сменаси ишчилари меҳнатда бошқаларга намуна бўлишяпти. Улар топшириқни доим ортиғи билан бажаришмоқда. К. Шарифбоева, Т. Тожиева, Л. Отахонова каби ишлаб чиқариш пешқадамлари нормани 120 процент ва ундан ҳам ошириб адо этишяпти. Коллектив ҳар сменада 320 квадрат метр кенг истеъмол товарлари тайёрламоқда. Бу нормадагидан анча кўпдир.

**О. ХУШНАЗАРОВ.**

ИДЕОЛОГИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ

# КУН ТАРТИБИДА— АТЕИСТИК ТАРБИЯ

Тошкент район партия комитети идеология активи йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари асосида меҳнат коллективлари ва турар-жойларда атеистик тарбияни янада яхшилаш вазифалари муҳокама қилинди. Унда таъкидланганидек, қишлоқ Советларида меҳнат ва оилавий маросимларни янгича ўтказиш расм бўлаяпти. Юнусобод, Гулистон қишлоқ Советларининг ташаббуслари билан тўйлар ичкиликсиз ўтмоқда.

Шу билан бир қаторда атеистик тарбияда ҳали жиддий камчиликлар мавжудлиги қайд қилинди. Келес шаҳрида, Карл Маркс қишлоқ Советида сохта табиб, фолбинлар кишиларни лақиллатиш билан шуғулланяпти. Аммо маҳаллий Советлар ижроия комитетлари уларга тегишли чора кўрмаяптилар. Йиғилишда хотин-қизлар ўртасида атеистик тарбияни яхшилаш зарурлиги алоҳида уқтирилди. Бу ишда хотин-қизлар советлари фаолиятини жонлантириш жуда муҳим. Лекин «Тошкент» совхози, бошқа хўжаликлар, корхона ва ташкилотларда хотин-қизлар советлари номигагина тузилган. Улар аёллар ўртасида тарбиявий иш олиб бормайдилар.

Йиғилишда меҳнат коллективлари ва аҳоли турар-жойларидаги атеистик тарбияда изчиллик, қатъият, коммунистлар ва раҳбарларнинг шахсий намунасини ошириш кераклиги алоҳида уқтирилди.

**Т. САФАРОВ.**

